

**ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ**

**МАСШТАБИ 1:10000 МАХСУС  
ТОПОГРАФИК КАРТАЛАР ВА  
МАСШТАБЛАРИ 1:5000, 1:2000, 1:1000,  
1:500 ПЛАНЛАРНИ ЯНГИЛАШ**

**ҚОИДАЛАР ТЎПЛАМИ**

**ШНҚ 1.02.20-09**

**Расмий нашр**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ 2011**

УДК 528.9:528.4

ШНҚ 1.02.20-09 “Масштаби 1:10000 махсус топографик карталар ва масштаблари 1:5000, 1:2000, 1:1000, 1:500 планларни янгилаш. Қоидалар тўплами”.

Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси,  
Тошкент ш.

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш давлат институти - “O‘ZGASHKLITI” DUK томонидан (Магруппов Ю.Д., Мубораков Х.М., Ковалёв Н.В., Курбанов Б.Т., Артеменко Я.В.)

**ишлаб чиқилди.**

“Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш давлат институти - “O‘ZGASHKLITI” DUK томонидан **киритилди.**

Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитасининг Лойиҳалаш ташкилотлари фаолияти мониторинги бошқармаси томонидан тасдиқлаш учун тайёрланди (М.Т. Холходжаев).

Муҳаррир: Б.Қурбонов.  
Таржимон А.Абдулахадов

ШНҚ 1.02.20-09 “Масштаби 1:10000 махсус топографик карталар ва масштаблари 1:5000, 1:2000, 1:1000, 1:500 планларни янгилаш. Қоидалар тўплами” амалга киритилиши билан, Ўзбекистон Республикаси худудида ҚМҚ 1.02.07-97 – “Қурилиш учун инженерлик қидирувлари”нинг 2-бўлими – “Инженерлик-геодезик қидирувлар. Муҳандислик-топографик чизмаларни янгилаш” ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш кўмитаси ушбу ҳужжатдан тўлиқ ёки қисман нусха кўчирилиши, кўпайтириб расмий нашр сифатида тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитасининг руҳсатисиз учинчи шахсларга топшириш, қисмларидан ёки китобдан тўлалигича нусха олиш ман этилади ва Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (“Давархитектқурилиш” қўмитаси)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	<b>ШНҚ 1.02.20-09</b>
	Масштаби 1:10000 махсус топографик карталар ва масштаблари 1:5000, 1:2000, 1:1000, 1:500 планларни янгилаш. Қоидалар тўплами	ҚМҚ 1.02.07-97 – “Қурилиш учун инженерлик қидирувлари”нинг 2-бўлими – “Инженерлик-геодезик қидирувлар. Мухандислик- топографик чизмаларни янгилаш” ўрнига киритилади

## 1. ҚўЛЛАНИЛИШ ДОИРАСИ

Ушбу “Масштаби 1:10000 махсус топографик карталар ва масштаблари 1:5000, 1:2000, 1:1000, 1:500 планларни янгилаш” Қоидалар тўплами ШНҚ 1.02.07-09 “Қурилиш учун инженерлик қидирувлари”. Асосий қоидалар ва ШНҚ 1.02.08-09 “Қурилиш учун инженерлик-геодезик қидирувлар”. Қоидалар тўплами мажбурий мазмуни ва талабларини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Мазкур Қоидалар тўплами қурилишни лойиҳавий жиҳатдан тайёрлаш ва иншоотлар лойиҳаларини жойга кўчириш, шунингдек объектларни қуриш, эксплуатация, реконструкция қилиш ҳамда тугатиш даврида бажариладиган геодезик қидирувлар учун мўлжалланган топографик карталар ва планларни янгилашнинг тегишли босқичларида бажариладиган ҳамда барча мулк шаклидаги кўчма мулк объектларини ҳисобга олиш, техник инвентаризациялаш тизимининг шакллантирилишини таъминловчи айрим иш турларининг умумий техник талабларини, қоидаларини, таркибини ва ҳажмини белгилайди.

Ушбу ҳужжат топографик карталар ва планларни янгилаш ишларининг таркиби, ҳажмлари, услублари ҳамда технологияларини белгилайди ва Ўзбекистон республикаси ҳудудида қурилиш учун инженерлик қидирувлари соҳасида фаолият юритувчи юридик шахслар томонидан қўлланилиш учун мўлжалланган.

Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-текшириш давлат институти - “O’ZGASHKLITI” DUK томонидан киритилди	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 й. 10 март 11 -сонли буйруғи билан тасдиқланди	Амалга киритиш муддати 2011 й. 1 август
---	--	---

## **2. ҚЎЛЛАНИЛГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР**

1. ҚМҚ 1.02.07-97 “Қурилиш учун муҳандислик изланишлар”.
2. “1:5 000, 1:2 000, 1:1 000 ва 1:500 масштаблар топографик планларини тузиш бўйича асосий қоидалар”, 1979 й. нашри.
3. ГККИНП-02-109-05 “1:10 000 масштаб топографик картасини тузиш, янгилаш ва унинг таркиби бўйича асосий қоидалар”.
4. ШНК 1.02.07-09 «Инженерные изыскания для строительства. Основные положения».
5. ҚМҚ 1.01.01-09 “Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими. Норматив ҳужжатлар Асосий қоидалар”.
6. ҚМҚ 1.01.03-96 “Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими. норматив ҳужжатларни баён этиш ва расмийлаштириш қоидалари”.
7. ГККИНП 02-067-03 “1:5 000, 1:2 000, 1:1 000 ва 1:500 масштабларда топографик съёмка бўйича йўриқнома”.
8. “1:10 000 и 1:25 000 масштабларда топографик съёмкалар бўйича йўриқнома”, 1978 й. нашри.
9. “1:5 000, 1:2 000, 1:1 000, 1:500 масштаблар топографик планлари учун шартли белгилар”, 1989 й. нашри.
10. “1:10 000 масштаб топографик картаси учун шартли белгилар”, 1977 й. нашри.
11. “Топографик карталарни янгилаш бўйича қўлланма”, 1978 й. нашри.
12. “Топографик карталар ва планларни тузишда фотограмметрик ишлар бўйича йўриқнома”, 1974 й. нашри.
13. ГККИНП 05-046-02 “Рақамли топографик карталарни тузишга қўйиладиган умумий талаблар”.
14. “Топографик ахборот классификатори (1:500, 1:1 000, 1:2 000, 1:5 000, 1:10 000 масштаблар карталари ва планларида акс эттириладиган ахборот)”, 1986 й. нашри.
15. ГККИНП-17-065-03 “Геодезик, топографик ва картографик ишларни текшириш ҳамда қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўриқнома”.
16. ШНК 1.02.17.-09 “1:100-1:5 000 масштаблар планларини тузиш ва кўпайтириш. Қоидалар тўплами”.

## **3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР ВА ТАЛАБЛАР**

**3.1.** Жойда рўй берадиган ўзгаришлар оқибатида топографик карта ва планлар вақт ўтиши билан эскириб қолади. Уларнинг мазмунини жойнинг ҳозирги ҳолатига мувофиқ келтириш мақсадида топографик карта ва планларни янгилаш ишлари амалга оширилади.

**3.2.** Топографик карта ва планларни янгилаш жой ҳолати ҳамда рельеф қисман ўзгарган ҳолда амалга оширилади.

**3.3.** Жойдаги ўзгаришлар жумласига қуйидагилар киритилиши лозим:

а) янги аҳоли пунктларининг вужудга келиши ёки эскиларидаги катта ўзгаришлар, янги кўча ва кварталларнинг пайдо бўлиши, аҳоли пунктлари номларининг ўзгаришлари;

б) янги саноат корхоналари ва фойдали қазилма конларининг пайдо бўлиши ёки мавжудларининг салмоқли кенгайиши;

в) янги темир йўллар ёки шоссе йўлларининг, сув омборларининг, йирик каналлар ва гидротехника иншоотларининг пайдо бўлиши;

г) дарё ўзанларининг ёки сув ҳавзалари қирғоқ чизикларининг салмоқли ўзгаришлари, янги ороллар, саёзликларнинг пайдо бўлиши;

д) аҳоли пунктларида, йўл тармоғида, ўсимликлар қопламида, жойда топографик карталар бўйича ориентир олишни қийинлаштирувчи катта миқдордаги майда ўзгаришлар.

**3.4.** Агар жойда топографик карталар бўйича ориентир олишни қийинлаштирмайдиган аҳамиятсиз ўзгаришлар рўй берган бўлса, топографик карталарнинг (топографик планларнинг) янгиланиши лозим эмас.

Жойдаги аҳамиятсиз ўзгаришлар қаторига аҳоли пунктларидаги иморатларнинг умумий қиёфаси сақлангани ҳолда янгиларининг пайдо бўлишини, шунингдек аҳолиси кам ва ўзлаштирилмаган жойларда инженерлик-техник масалаларни ҳал қилиш учун топографик карта ҳамда планлардан фойдаланишни қийинлаштирмайдиган жой объектларининг пайдо бўлишини киритиш мумкин.

**3.5.** Топографик карта ва планлар қуйидаги ҳолларда қайта тузилиши керак:

а) жой ва контурларда катта ўзгаришлар ҳамда йирик майдон рельефида ўзгариш юзага келганда, съёмка асосини ривожлантирмай туриб, топографик съёмкани амалга ошириш мумкин бўлмаса;

б) топографик карта ва планлар планли баландлик асосининг аниқлиги, шунингдек илгари бажарилган съёмканинг сифати [2], [3], [7] ва [8] талабларига мос келмаганда;


в) топографик карта ёки планда жой ва контур ҳолатидаги ўзгаришлар 1-жадвалга мувофиқ контурлар ва объектлар умумий сонидан 15% дан 40% гача ортиб кетганда;

г) обод районлар, саноат зоналари ва қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштириш интенсив ривожланаётган районлар бўйича топографик карта ёки планлар олдин икки марта янгиланган бўлса.

**3.6.** Топографик карта ва планларни янгилаш Ерни масофадан зондлаш (ЕМЗ), аэрофотосъёмка материаллари бўйича, шунингдек жойдаги аниқлиги 0,5 м ва ундан кичик бўлган космик съёмка материаллари бўйича амалга оширилади.

Масштаблари 1:1 000 ва 1:500 топографик планларни янгилашда юқори имконий аниқликдаги космик суратлардан ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш мумкин.

**3.7.** Карта ва планларни янгилашнинг умумий технологик схемаси 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Карта ва планларни янгилашнинг технологик схемаси

**3.8.** Катта бўлмаган участкалар бўйича топографик планларни янгилашнинг технологик схемаси умумий кўринишда 2-расмда келтирилган.



2-расм. Топографик планларни янгилашнинг технологик схемаси

## **4. ИШЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ**

**4.1.** Янгилашда ишлар комплексини умумий асослаш, шунингдек ишлар ҳажмини, технологияни, зарурий техник воситалар ва меҳнат сарфини аниқлаш учун [4] ва [7] талабларига мувофиқ техник лойиҳа (дастур), шунингдек таҳририй кўрсатмалар тузилади.

**4.2.** Техник лойиҳанинг услубий қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- а) иш районларининг таърифи, солинган иморатлар тавсифи;
- б) янгиланадиган планнинг ва янгилашга мўлжалланган участканинг тавсифи (янгиланадиган планнинг масштаби ва съёмка йили);
- в) янгилаш зарурлиги тўғрисидаги хулоса;

г) объектнинг геодезик, топографик ва картографик жиҳатдан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

д) координаталар, баландликлар системасининг ҳамда топографик карта ва планларни варақларга бўлиш тизимининг таърифи;

е) ишларнинг жой шароитлари, ўзгаришлар ҳажми ва тавсифига қараб белгиланган технологияси;

ж) аэрофотосъёмка ва космик съёмка параметрлари;

з) дала текширувининг ҳажми ва хусусиятлари;

и) дала съёмкаси ишларининг ҳажми;

к) дала ва камерал ишлар бажарилгандан кейин топширилиши лозим бўлган материаллар рўйхати;

л) камерал ва дала ишларини текшириш ҳамда қабул қилиб олиш.

**4.3.** Лойиҳанинг услубий қисмини ишлаб чиқишда янгилаш усулини танлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилади.

Жойдаги ўзгаришларнинг сони ва тавсифига қараб топографик карта ҳамда планларни ЕМЗ материаллари бўйича янгилашнинг учта асосий усули қўлланилиши мумкин:

- иженерлик-топографик карта ёки планни янги фотоплан асосида янгилаш;

- топографик карта ёки планнинг асл нусхасини шаффоф пластикда суратлар бўйича тузатиш;

- топографик карта ёки планнинг асл нусхасини универсал стереофотограмметрия асбоби ёрдамида ёки рақамли фотограмметрия станциясида тузилган жойнинг модели бўйича тузатиш.

**4.4.** Ер усти усули майдони бўйича катта бўлмаган участкаларнинг топографик карталари ёки планларини янгилашда, шунингдек айрим сабабларга кўра стереофототопографик ёки камерал усулларни қўллашни имкони бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

**4.5.** Лойиҳанинг ишлаб чиқариш-техник қисмида геодезия ва топография ишларига оид ҳисоб-китоблар услубий қисмда белгиланган технологик схема бўйича амалга оширилади. Бундан ташқари, топографик карта ёки планларнинг мавжуд асл нусхаларини тузатиш технологиясининг таърифи уларнинг мазмунан ўзгариши даражаси ва тавсифини ҳисобга олган ҳолда келтирилади.

**4.6.** Таҳририй кўрсатмалар йўриқномаларнинг параграфлари ва шартли белгиларини такрорламаган ҳолда қисқа, равшан, аниқ бўлиши керак. Бунда қуйидаги масалалар ёритилиши зарур:

а) янгилаш участкасининг қисқача географик тавсифи, шаҳарда, шаҳар типдаги посёлкада ёки қишлоқ аҳоли пунктида иморатлар солиниши, планировкаси ва тавсифи;

б) амал қилиниши лозим бўлган йўриқномалар ва шартли белгилар, шунингдек янгиланадиган топографик карта ёки планларнинг мазмунини регламентга солувчи қўшимча ҳужжатлар;



в) янгилашда қўлланилиши лозим бўлган картографик аҳамиятга молик материаллар, тўпланган материалларнинг тавсифлари ва уларни қўллаш бўйича кўрсатмалар;

г) дала ишлари жараёнида қўшимча равишда ахборот тўплаш бўйича кўрсатмалар;

д) солинадиган иморатларни, саноат ва коммунал хўжалиги объектларини, алоқа объектларини, йўл тармоғини, гидрографияни, рельефни, ўсимликларни янгилашнинг муайян участкаларига мувофиқ равишда акс этириш учун шартли белгиларни қўллашнинг хусусиятлари;

е) рамкадан ташқи расмийлаштириш ва рамкаларни расмийлаштириш бўйича, шунингдек ёндош варағлар билан сводкалаш бўйича кўрсатмалар;

ж) ишлар якунлангандан кейин топширилиши лозим бўлган материаллар рўйхати.

**4.7.** Тахририй кўрсатмаларга илова тариқасида дала текшируви жараёнида жойлардаги бошқарув органларининг материаллари бўйича номларига аниқлик киритилишини талаб қилувчи объектлар рўйхати берилди.

## **5. ЕРНИ МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ ВА СУРАТЛАРНИ СКАНЕРЛАШ**

**5.1.** Аэрофотосъёмка топографик карталар ёки планларни тузиш учун амалга ошириладиган аэрофотосъёмка бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бажарилади.

Аэрофотосъёмка масштаби, аэрофотосъёмканинг техник воситалари, аэрофотосуратларнинг ўзаро қоплануви [7], [8] ва [12] талабларига мувофиқ янгиладиган ҳудуднинг тавсифига, янгилаш масштабига ва рельеф кесимининг баландлигига қараб танланади.

**5.2.** Топографик карталар ёки планларнинг контур нагрукасини янгилашда суратларни трансформациялаш баландлигини ошириш учун фокус масофаси кичик бўлган аэрофотоаппарат танланиши лозим.

**5.3.** Тоғ олди ёки тоғли ҳудудлар, иморатлар тушган жойлар учун топографик карталар ёки планларни янгилашда камераларнинг кўриш майдони бурчаги борасида нормал бурчакли ва тор бурчакли камералар танлангани маъқул.

Шаҳарлар, айниқса кўп қаватли иморатлари бор шаҳарлар карта ва планларини янгилашда, камерани танлашда суратда бино баландлиги таъсирида бино томи тасвирининг унинг асосига нисбатан силжиши катталигини инобатга олиниши лозим. Шу нуқтаи назардан, ҳамда жой объектларининг планли координаталарини олиш аниқлигига қўйиладиган юқори талабларни ҳисобга олган ҳолда тор бурчакли камераларни танлаш тавсия этилади.

**5.4.** Аэрофотосъёмка ва космик съёмка материалларини ўрганиш ҳамда баҳолаш қуйидаги шартларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади:

а) аэрофотосъёмка ва космик съёмка материалларининг тўлиқлиги ва сифати;

б) съёмка материаллари фотографик ва фотограмметрик сифатининг [7], [8] ва [12] талабларига мувофиқлиги;

в) съёмка тизимлари (сенсор) паспорт маълумотларининг тўлиқлиги – ички ориентирлаш элементлари, объектив дисторсияси, суратнинг фазовий аниқлиги тўғрисидаги маълумотлар ва бошқ., RPC коэффицентининг қиймати;

г) янгиланадиган худуднинг, унинг чегараларининг суратлар билан таъминланганлиги (рақамлари бўйича фотограмметрик ишлов берилиши лозим бўлган суратларнинг жойлашиш схемаси тузилади);

д) қўшимча борт ахборотининг (йўлдошга оид тавсифлардан олинган суратлар проекциялаш марказларининг координаталари, инерциал тизим маълумотлари, лазер профилографи ва бошқаларнинг) мавжудлиги, тўлиқлиги ва сифати.

**5.5.** Кадрли аэрофотосуратлар ва космик суратларни (бундан кейин – суратлар) сканерлаш топографик карта ҳамда планларни рақамли фотограмметрик асбоб-ускуналар ва тизимларни қўллаб янгилаш технологиясининг муҳим босқичи ҳисобланади, зеро рақамли тасвирларга фотограмметрик ишлов бериш ҳамда уларни тарансформациялашнинг кейинги жараёнлари унинг сифатига боғлиқдир.

Аэро- ва космик суратларни сканерлаш учун 5-15 мкм чамаси геометрик имконий аниқлик барқарор элементига эга бўлган ҳамда ускунавий хатолиги кўпи билан 3-5 мкм бўлган фотограмметрик сканерлардан фойдаланиш лозим. Негатив фильм ҳамда фотоплёнкада ёки шиша фотопластинкада олинган диапозитив тасвирни ҳам сканерлашга рухсат берилади.

Суратларни сканерлашдан олдин геометрик имконий аниқликнинг талаб қилинадиган элементи илова В да келтирилган тавсияларни инобатга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

**5.6.** Дастлабки тасвир зичликлар геометриясининг максимал имкониятда аниқ узатилишини таъминлаш учун даврий равишда сканернинг геометрик ва радиометрик калибровкасини унинг штатли дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда ўтказиб туриш зарур.

**5.7.** Сканерлашдан сўнг тасвир сифатини визуал текшириш иши бажарилади, шунингдек тасвирда съёмка камераси қўлланма рамкасининг координата белгилари мавжудлиги текширилади.

## 6. ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ

**6.1.** Тайёргарлик ишлари янгиланадиган топографик карта ва планларнинг сифатини таҳлил қилишни, картографик материалларни тўплаш ҳамда тизимга солишни, уларнинг ишончилигига баҳо беришни ўз ичига олади.

**6.2.** Янгиланадиган топографик карта ва планларнинг сифатини таҳлил қилишда уларнинг аниқлиги, таркибининг тўлиқлиги ҳамда эскириш даражаси белгиланади.

Янгиланадиган карта ёки планнинг аниқлигини таҳлил қилиш уларни амалдаги йўриқномалар талабларига мувофиқ бажарилган кейинги съёмкалар билан солиштириш йўли билан, шунингдек жойнинг ушбу участкасида ўтказилган геодезик ўлчашлар натижалари бўйича амалга оширилади. Топографик карта ёки план контурларнинг ўзаро жойлашувидаги хатоликлар белгиланган меъёрлардан ортадиган участкалари қайтадан съёмка қилиниши лозим. Съёмка қилиниши лозим бўлган участкаларнинг майдони карта ёки план майдонининг 20%дан ортиқ бўлган ҳолларда, бутун майдон тузатилиши лозим.

Топографик карта ёки планнинг эскириш даражасини баҳолаш аэрофотосъёмка ва космик съёмка, йирикроқ масштабдаги топографик съёмка ва дала маршрут текшируви материаллари бўйича бажарилиши зарур. Топографик карта ёки планнинг аниқланган эскириш даражаси 1- ва 2-жадваллардан танлаб олинадиган имконий қиймат билан солиштирилади ва солиштириш натижалари бўйича янгилашнинг ёки янги съёмка бажарилишининг мақсадга мувофиқлиги белгиланади.

1-жадвал

Жой тоифалари	Иморатлар солинган ҳудудларни қуйидаги масштаблардаги карта ва планларининг эскириши чегараси (%)			
	1:500	1:1 000	1:2 000	1:5 000
Инженерлик жиҳатдан тубдан ўзгаришлар (янги қурилишлар) режалаштирилаётган ҳудудлар	35 – 40	30 – 35	25 – 30	20 – 30
Иморатлар солинган ҳудудлар ҳамда инженерлик коммуникацияларини эксплуатация қилиш ҳудудлари учун	20 – 25	20 – 25	15 – 20	15 – 20
Қайта қурилиши лозим бўлган иморатлар солинган ҳудудлар	25 – 30	20 – 25	20 – 25	15 – 20

Жой тоифалари	Иморатлар солинган ҳудудларни қуйидаги масштаблардаги карта ва планларининг янгилаш чегаравий даврийлиги (йилларда)			
	1:500	1:1 000	1:2 000	1:5 000
Инженерлик жиҳатдан тубдан ўзгаришлар (янги қурилишлар) режалаштирилаётган ҳудудлар	3	3 – 4	3,5 – 4,5	4 – 5
Иморатлар солинган ҳудудлар ҳамда инженерлик коммуникацияларини эксплуатация қилиш ҳудудлари учун	4 – 5	5	5 – 6	6 – 7
Қайта қурилиши лозим бўлган иморатлар солинган ҳудудлар	3 – 4	4 – 5	4 – 5	5 – 6

**6.3.** Масштаблари 1:1 000 ва 1:500 топографик планларни янгилаш даври ишчи лойиҳалаш учун 1 йил этиб белгиланади.

**6.4.** Картографик аҳамиятга молик материалларни тўплашни энг тўлиқ тарзда амалга ошириш лозим. Бу камерал дешифровкалашни таъминлаш, аэрофотосуратларда ўз аксини топмаган кўп объектларни чизиб кўрсатиш, дала қидируви ишлари ҳажмларини қисқартириш учун катта аҳамиятга эга.

**6.5.** Материалларни тўплаш объектлар қурилишини, ижровий съёмка ва топография-геодезия ишларининг бажарилишини, навбатчи маълумотнома карталар ҳамда планларнинг юритилишини назорат қилиш ишлари уларнинг функцияларига кирадиган ташкилотларда амалга оширилади.

**6.6.** Топографик карта ва планларни янгилаш учун қуйидагилардан асосий материаллар сифатида фойдаланилади:

а) янгиланадиган топографик карта ва планларнинг формулярлари билан бирга нашрий асл нусхалари (ёки уларнинг нусхалари) ҳамда оттисклари;

б) янгилаш учун бажарилган аэрофотосъёмка ва космик съёмка материаллари (аэрофотонегативлар, суратларнинг контактли босма кўчирмалари, устама монтаж репродукциялари, аэрофотосъёмка ва космик съёмка паспортлари);

в) геодезик пунктларнинг координаталар ва баландликлар, нивелирлаш маркалари ҳамда реперлари, съёмка тармоғи нуқталари каталоглари (опознаклар ва фотограмметрик зичлаш таянч тармоғи нуқталарининг координаталар ҳамда баландликлар каталоглари);

г) топографик карталар ёки планлар тузилган материаллари бўйича (фотопланлар, дала тайёргарлиги нуқталари билан бирга аэрофотосуратлар, аэрофотонегативлар, аэрофотосуратларни устама монтажлаш репродукциялари);

д) янгиланадиган карта ва планларни тузишдан сўнг бажарилган топографик съёмкални карта ва планлари;

е) навбатчи маълумотнома карталар ва планлардан нусхалар.

**6.7.** Ёрдамчи материаллар сифатида турли ташкилотлар томонидан олинган куйидаги картографик материаллардан фойдаланилади:

а) шаҳарлар ва посёлкаларда иморатлар солинишига оид навбатчи оператив планлар;

б) фермер хўжалиklarининг ер тузиш планлари;

в) қишлоқ хўжалиги дешифровкаси материаллари;

г) ўтказилган дарахтлар планлари;

д) конлар ва тоғ-кон саноати корхоналарининг карталари ҳамда планлари, маркшейдерлик планлари;

е) геологик, тупроқ ва мелиоратив планлар ҳамда карталар;

ж) дарёлар, кўллар, сув омборлари ва каналларнинг карталари ҳамда планлари;

з) гидротехника иншоотларининг планлари;

и) темир йўлларнинг бўйлама профиллари ва станцияларнинг планлари;

к) алоқа, электр узатиш линияларининг, ер ости коммуникацияларининг карталари ва планлари;

л) маъмурий чегаралар карталари, планлари ҳамда схемалари ва бошқ.

Аҳоли пунктлари рўйхати, уй-жойларнинг сони, иморатлар қурилишининг тавсифи, яшовчилар сони, мактаблар, шифохоналар ва топографик карта ҳамда планларда ёзиб кўрсатиладиган бошқа объектларнинг жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар, магнит оғиш бурчагининг ўртача йиллик ўзгаришлари жадваллари, кудуқлар, булоқлар, мелиорация объектлари ва бошқ. тўғрисидаги маълумотлар каби турли маълумотнома ҳамда таърифловчи материаллар ҳам тўпланиши лозим.

**6.8.** Тўпланган картографик материаллар янгиланадиган топографик карта ва планларнинг номенклатура варақлари бўйича, маълумотнома материаллар эса – иш объектлари бўйича тизимга солинади.

**6.9.** Биринчи навбатда сўнгги йиллар съёмкасига оид картографик материаллар уларнинг аниқлиги, нагрузкасининг хусусиятлари, съёмка ишлари бажарилган сана, геодезик асос ўрганиб чиқилади. Янгилашда қўлланиладиган аэрофотосъёмка материаллари ва космик съёмка материаллари учун суратлар масштаби ҳамда (космик съёмка бўйича) парвозлар қилинган сана, фокус масофаси, суратларнинг форматлари ва фотографик сифати, суратларнинг ўзаро бўйлама ҳамда кўндаланг қопланувларининг катталиклари кўрсатилади.

**6.10.** Асосий картографик материалларни ўрганиш натижаларидан карта ҳамда планларни янгилаш техник лойиҳаларини (дастурларини) тузиш, картографик материалларни баҳолаш ва бошқ. учун фойдаланилади.

Ёрдамчи картографик материалларни ўрганиш натижаларидан топографик карта ва планларни янгилашда маълумотларга аниқлик киритиш учун фойдаланилади.

Амалдаги норматив-техник ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган материаллардан топографик карта ва планларни янгилаш учун фойдаланилмайди.

## **7. ФОТОГРАММЕТРИК ЗИЧЛАШ ВА РАҚАМЛИ ФОТОПЛАНЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ**

**7.1.** Топографик карта ва планларни янгилашда қуйидагилар планли ҳамда баландлик асоси бўлиб хизмат қилади: давлат геодезик тармоғи ва таянч геодезик тармоғи пунктлари; давлат нивелир тармоғи белгилари; съёмка тармоғи нуқталари (планли ҳамда баландлик опознаклари); таянч тармоғининг фотограмметрик зичлаш нуқталари; координаталари ва баландликлари йирикроқ ёндош масштаблардаги топографик планлар бўйича аниқланган ўзгармас контур нуқталари.

**7.2.** Суратларни трансформациялаш ва фотопланларни монтаж қилиш учун уларнинг ҳар бирини таянч нуқталар билан таъминловчи фотограмметрик зичлаш тармоқлари учун, шунингдек моделларни универсал асбоб-ускуналарда масштаблаш ҳамда ориентирлаш учун (контурлар сони кам бўлган тақдирда) план ва баландлик асоси зарурий таянч ҳисобланади.

Янгилашда фотограмметрик зичлаш [12] талабларига мувофиқ амалга оширилади. Жой рельефига ва мавжуд таянч нуқталарининг зичлигига қараб, зичлаш аналитик усул билан ёки универсал асбоб-ускунада бажарилиши мумкин, бунда фотограмметрик зичлашнинг асосий усули аналитик усул ҳисобланади.

Агар суратларни (ёки моделни) топографик картада ёки планда ориентирлаш сақланиб қолган контур нуқталари бўйича бажарилиши мумкин бўлса, фотограмметрик зичлаш амалга оширилмайди.

**7.3.** Фотопланларни тайёрлаш учун суратларни трансформациялашнинг иккита усулидан фойдаланилади: аналогли (оптик-механик) ва рақамли усуллар.

Оптик-механик усул фотограмметрик асбоб-ускуналар ва рақамли фотограмметрик зичлаш бўйича тегишли дастурий таъминот йўқ бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Энг аниқ ва унумдор усул сифатида рақамли трансформациялашни ҳисоблаш лозим.

**7.4.** Рақамли фотоплан яратилишида қуйидаги иш босқичлари бажарилади:

- а) суратларни сканерлаш учун имконий аниқлик элементини ҳисоблаш;
- б) суратларни ориентирлаш;
- в) рельеф тўғрисида ахборот олиш;
- г) трансформациялаш (ортотрансформациялаш) учун фрагментлар танлаш;
- д) фрагментлар бўйича ортотрансформациялаш ёки трансформациялаш;
- е) мозаикалар фрагментларини қўшиб улаш, фотомозаикалар зичликларини тенглаш;
- ж) трансформацияланган тасвирни номенклатура варағининг томонлари рамкасида олиш;
- з) расмийлаштириш.

7.5. Суратларни сканерлаш учун қуйидаги формула бўйича имконий аниқлик элементи ҳисобланади:

$$P_p = 70K,$$

бу ерда:  $K$  – проекцияланадиган фотоплан масштаби  $1:M_k$  нинг фойдаланиладиган сурат масштаби  $1:M_c$  га нисбати;  
 $70$  – фотопланга қўйиладиган график талаблардан қабул қилинган доимий катталиқдир (мкм ларда). Рақамли фотопланларни яратишда ушбу катталик фотограмметрик сканернинг тавсифларини ва дастлабки суратларнинг имконий аниқлигини инобатга олган ҳолда белгиланади (илова В).

7.6. Фазовий аналитик фототриангуляция тармоқларини дастлабки тузиш натижасида ёки стереожуфтликларга ва яқка суратларга рақамли фотограмметрик асбоб-ускуналарда бевосита фотограмметрик ишлов бериш йўли билан рақамли аэрофотосуратларни ташқи ориентирлаш параметрларининг қийматлари аниқланади, улар рақамли трансформациялаш учун зарур.

Космик суратларни рақамли трансформациялаш учун уларнинг ташқи ориентирлаш параметрларининг қийматлари сифатида RPC коэффициентини қўллашга рухсат берилади, у йўлдош съёмкаси материалларини етказиб берувчилар томонидан паспорт маълумотлари кўринишида таъминланади.

7.7. Суратларни рақамли трансформациялаш учун зарур бўладиган рельеф тўғрисидаги ахборот суратларга стереофотограмметрик ишлов бериш натижасида ёки мавжуд топографик карталар ва планлар рельефларининг рақамли моделлари (PPM) бўйича олиниши мумкин.

Суратни рақамли трансформациялаш участкаларининг баландликлари аниқланади, улар PPM узелларининг аниқлиги ва зичлигини қуйидагидан ортиқ бўлмаган хатоликлар билан (метрларда) таъминлаши лозим:

$$\Delta h_{\text{чек.}} = 0,3 \cdot f \cdot M_k / r ,$$

бу ерда  $0,3$  мм – топографик карта ёки планнинг график аниқлиги;  
 $f$  – съёмка камерасининг фокус масофаси (мм ларда);  
 $M_k$  – яратиладиган фотоплан масштабининг махражи;  
 $r$  – сурат нуқтасининг надир нуқтасидан максимал узоқлиги (мм ларда).

Жой баландликларининг фарқи  $\Delta h_{\text{чек.}}$  қийматидан икки баравардан ортиқ бўлмаган тақдирда, трансформациялаш ўртача горизонтал текисликка бажарилади.

Чекли қиймат  $\Delta h_{\text{чек.}}$  нинг ёки суратнинг фойдаланиладиган қисмидаги жой нуқталарининг нисбий баландликлари қийматлари 3-жадвалдан танлаб олинадиган катталиқлардан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Фотоплан масштаби 1:10 000 бўлганда йўл қўйиладиган $\Delta h_{\text{чек}}$ қийматлари												
кадр формати 18×18 см ва $f_k$ учун (мм)							кадр формати 23×23 см ва $f_k$ учун (мм)					
Аэросурат-даги иш майдонининг радиуси (мм)	70	100	140	200	250	350	Аэросурат-даги иш майдонининг радиуси (мм)	90	150	210	300	600
60	7	10	14	20	25	35	90	6	10	14	20	40
70	6	9	12	17	21	30	100	6	9	13	18	36
80	5	7,5	10	15	20	26	110	6	8	11	16	33
90	4,5	7	9	13	17	23	120	5	7,5	10	15	30
100	4	6	8	12	15	21	130	5	7	10	14	28
110	4	5,5	7,5	11	14	19	140	4,5	6,5	9	13	26

**Изоҳ.** Агар яратиладиган фотопланнинг масштаби 1:10 000 дан фарқ қилса, у ҳолда зоналарнинг йўл қўйилган баландликлари жадвал қийматларини М:10 000 нисбатга кўпайтириб аниқланади.

Чекли  $\Delta h_{\text{чек}}$  чегарасидаги рельефнинг майда элементлари (сув уйиб кетган жойлар, қияликларни майда синиқлари, ариқчалар ва бошқ.) эътиборга олинмайди, аҳоли пунктларида эса марка ер сирти билан туташтирилади.

Рельеф тўғрисида ахборот олиш учун ёндош масштаблар рақамли карталаридан фойдаланиш мумкин. Бунда ахборотнинг аниқлиги элементар участкаларнинг баландликлари учун ҳисобланган  $\Delta h_{\text{чек}}$  қийматидан икки баробар кам бўлиши лозим.

**7.8.** Суратларни трансформациялаш ёндош суратларнинг бўйлама ва кўндаланг қопланувининг ўртасидан ўтказилган чизиқлар билан чегараланган фойдали майдон доирасида бажарилади.

Трансформациялаш участкасининг жойдаги ўлчами қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta = M_c \cdot P_p,$$

бу ерда  $M_c$  – сурат масштабининг махражи;

$P_p$  – бошланғич рақамли сурат участкаси ўлчами.

Агар рақамли фотопланни қаттиқ нусха кўринишида тайёрлаш талаб этилса, у ҳолда жойдаги элементар участканинг ўлчами қуйидагидан ортиқ бўлмаслиги керак

$$\Delta = 0,07 \cdot M_c$$

бу ерда **0,07** (мм ларда) – тасвирнинг камида 7 л/мм фотографик имконий аниқлигига мос келувчи график имконий аниқлик.



**7.9.** Рақамли фотоплани яратиш ёндош суратлардан олинган фрагментларнинг танланган чегаралари (“кесиш чизиқлари”) бўйича, участкалар ўлчами бир хил бўлган ёндош рақамли трансформацияланган суратлардан амалга оширилади.

“Кесиш жойлари”нинг чегаралари, одатда, суратлар қопланув зоналарининг ўртаси бўйича танланади. “Кесиш” чизиғи баланд ва ориентир бўлиб хизмат қилувчи объектларни кесиш ўтмаслиги керак, шунингдек турли тусдаги объектларнинг чегаралари бўйлаб ўтмаслиги лозим.

Йўллар, дарёлар ва ҳ.к.лар каби чизиқли объектлар мавжуд бўлган тақдирда, “кесиш чизиғини” объектларнинг ўртасидан ўтказиш керак.

Чизиқли объектлар ва аниқ контурлар кесишган тақдирда, “кесиш чизиғини” ушбу объектларга нисбатан тўғри бурчак остида ўтказиш лозим.

**7.10.** Рақамли фотопланлар номенклатура варағининг рамкалари чегарасида яратилади. Бунда фотопланда барча таянч геодезик пунктлар шартли белгилар билан кўрсатилади. Карта варағи рамкаси ва координаталар тўрини чизиш, шунингдек фотоплани рамкадан ташқари расмийлаштириш ишлари амалга оширилади.

**7.11.** Рақамли фотопланлар аниқлигини баҳолаш таянч ва контроль фотограмметрик нуқталари бўйича, ёндош суратлардан олинган фрагментларни бирлаштириш чизиқлари (“кесиш чизиқлари”) ва ёндош фотопланлар билан туташтириш (сводкалаш) бўйича амалга оширилади.

Таянч ва контроль фотограмметрик нуқталарининг планли ҳолатини текшириш ушбу нуқталарнинг фотопландаги тасвири планли координаталарининг ҳамда уларнинг тегишли каталоглардан олинган қийматларининг фарқи бўйича бажарилади.

Таянч ва назорат нуқталарининг планли ҳолатидаги хатоликларнинг ўртача қиймати яратиладиган фотоплан масштабида текис ҳамда паст-баланд ҳудудларда 0,5 мм дан, ва тоғли ҳудудларда 0,7 мм дан ошмаслиги керак.

Контурларнинг фрагментларини бирлаштириш чизиғи бўйича ўзаро мос келмаслиги 0,7 мм дан, тоғли ҳудудларда 1,0 мм дан ошмаслиги керак.

Ёндош фотопланлар билан сводкалаш бўйича текширишда контурлар чегараларининг қуйидаги ўзаро мос келмаслик қийматларига йўл қўйилади: 1,0 мм – текис ва паст-баланд ҳудудларда ҳамда 1,5 мм – тоғли ҳудудларда.

Истисно тариқасида текис ҳудудларда сводкалар бўйича тафовутлар 1,5 мм гача (кўпи билан 5% гача) йўл қўйилади.

**7.12.** Фотопланларни ўша масштабдаги ёндош фотопланлар (ёки график планлар) билан сводкалашсиз чиқариш ман этилади.

Фотоплан тасвирининг сифатини назорат қилишда қўшни суратлар фрагментларининг туташган жойлари бўйича (тафовут 0,15 бирликкача) тус ва оптик зичликнинг бир хилда бўлишига, рангли ҳамда спектрзонал тасвирлар учун эса – рангларнинг бир хилда бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фотоплан рамкалари томонлари ва диагоналарининг ўлчамлари уларни назарий қийматларидан 0,2 мм дан ортиқ фарқ қилмаслиги керак.

**7.13.** Якуний маҳсулот сифатида машинавий ифодаловчи воситадаги, кейинчалик фойдаланиш учун яроқли форматлардаги рақамли фотоплан ёки фотокарта, ёхуд уларнинг тегишли техник воситаларда олинган график нусхаси хизмат қилиши мумкин.

## **8. СУРАТЛАРНИ ДЕШИФРОВКАЛАШ**

**8.1.** Топографик карталарни (топографик планларни) янгилашда суратларни дешифровкалаш, одатда, камерал тарзда, кейинроқ дала текшируви билан бажарилади.

Суратларни энг тўлиқ камерал дешифровкалаш учун техник лойиҳалаш босқичида янгиланадиган участка бўйича тўпланган картографик материаллардан фойдаланиш лозим.

Дала текшируви жой объектлари тавсифларини қўшимча равишда тўplash, жойнинг суратларда ўз аксини топмаган объектлари ва контурларини съёмка қилиш, камерал дешифровкага аниқликлар киритиш ҳамда уни текшириш учун амалга оширилади.

**8.2.** Янгилашда камерал дешифровкалаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) суратларни жойда рўй берган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида топографик карта ёки план билан солиштириш;

б) суратлар бўйича ўзгаришларни аниқлаш (натижаларни суратларда ёки фотопланда қайд этиш зарур);

в) тавсифларни суратлар ва картографик материаллар бўйича ўлчаш ва аниқлаш;

г) қўшимча тавсифларни талаб қилувчи, ишончсиз дешифровкаланган, суратларда ўз аксини топмаган, лекин илгари бажарилган ишлар материалларида мавжуд бўлган объектларни кейинчалик дала текширувида ойдинлаштириш учун шаффоф пластикка (калькага) кўчириш.

**8.3.** Тавсилотлардаги ўзгаришларни аниқлаш ва уларни камерал дешифровкалаш суратнинг аниқ контурлар ёки рельеф шакллари билан чегараланган алоҳида участкалари бўйича амалга оширилади.

Янгиланадиган карта ёки планнинг аҳоли пунктлари, йўл тармоғи, алоқа ва электр узатиш линиялари, гидрорафия бўйича суратга мувофиқлиги бирин-кетин текшириб чиқилади.

Шундан сўнг контурлар ва жой предметлари тасвирининг тўғрилиги, тўлиқлиги ҳамда батафсиллиги, тавсифларнинг тўлиқлиги, шартли белгилар қўлланилишининг тўғрилиги текширилади.

**8.4.** Тавсилотлардаги ўзгаришларни аниқлаш жараёнида суратлар стереоскопик равишда кўриб чиқилади ва рельефни (стереоскоп остидаги стереомоделнинг картадаги ёки пландаги рельефга мувофиқлигини) текшириш иши амалга оширилади. Бунда рельефнинг ўзгарган жойлари, кейинчалик дала текширувида уни ер усти съёмка қилиш ёки планли-баландлик фотограмметрик зичлаш материаллари мавжуд бўлган тақдирда,

стереотопографик съёмка қилиш учун шаффоф пластикда (калькада) белгиланади.

**8.5.** Ўзгарган ёки янги пайдо бўлган объектлар аниқлангач, бевосита ёки билвосита дешифровка белгилари асосида уларнинг контурлари ва таркиби табиий ўзаро алоқаларни ва боғликлиги ўзаро шартланишларни инобатга олган ҳолда белгиланади. Бунда дешифровкалаш эталонлари ва намуналарига (улар йўқ бўлган тақдирда – карта ёки планнинг тираж нусхасига), шунингдек идоравий материаллар маълумотларига амал қилинади.

Дешифровкалашнинг ўта муҳим ва аниқланиши қийин бўлган объектларини шаффоф пластикда (калькада) белгилаш ва дала текшируви маршрутига киритиш зарур.

**8.6.** Агар топографик карта ёки планни янгилаш учун янги рақамли фотопланлар тайёрланадиган бўлса, у ҳолда дешифровкалаш рақамли фотопланларнинг кам деформацияланадиган пластик ёки қоғоз асосдаги нусхаларида ёхуд фотопланлар ёки суратларни камерал дешифровкалаш натижасида ва дала текширувида аниқланган, ўзгарган ёхуд янги пайдо бўлган объектлар чизиладиган суратларда бажарилади. Бунда дешифровкалаш натижалари фотопланларда ёки суратларда соддалаштирилган ҳолда, 8.11-банд талабларига амал қилган ҳолда чизилади.

Фотопланлардаги ёки суратлардаги дешифровкалаб бўлинган, ўзгарган ёки янги пайдо бўлган объектлар 10.2-банд талабларига амал қилган ҳолда янгиланадиган рақамли топографик картага ёки планга киритилади.

**8.7.** Агар топографик карта ёки планни янгилаш учун янги фотопланлар қаттиқ асосда тайёрланадиган бўлса, у ҳолда дешифровкалаш бевосита фотопланнинг рельеф босилган светокопияларида бажарилади, кейин унда бор тавсилотлар ва рельеф [9] ва [10] талабларига мувофиқ чизиб чиқилади. Фотоплан светокопияларини тайёрлашда рельеф янгиланадиган карта ёки планнинг асл нусхасидан босилади.

**8.8.** 8.6- ва 8.7-бандларда кўрсатилган янги фотопланларнинг турларидан қатъий назар, стереоскопик кўриб чиқиш учун ва жой объектларининг тавсифларини ўлчаш учун суратлардан уларни дешифровкалаш жараёнида фойдаланиш зарур.

**8.9.** Карта ёки план асл нусхаларини шаффоф асосда нусхалаб янгилашда суратларни дешифровкалаш уларни тузатиш жараёнида дешифровкалаш натижаларини янгиланадиган карта ёки планнинг нусхасига кўчириш ва тегишли шартли белгиларда чизиб чиқиш билан амалга оширилади.

**8.10.** Карта ёки планни универсал стереофотограмметрик асбоб-ускуналарда тузатишда дешифровкалаш модель бўйича тузатиш жараёнидаги ёки дастлаб суратлар бўйича амалга оширилади. Сўнги ҳолда дешифровкалаш натижалари суратларда соддалаштирилган тарзда чизилади, сўнгра ўзгаришлар дешифровка қилиб бўлинган суратлардан моделлар бўйича янгиланадиган карта ёки планга кўчирилади.

**8.11.** Дешифровка натижаларини соддалаштирилган тарзда расмийлаштириш қуйидагилардан иборат:

а) суратларда яхши кўриниб турган чизиқли объектлар (йўллар, дарёлар, ўрмон сўқмоқлари ва ҳ.к.) чизиб чиқилмайди, балки тушунтириш устхатлари билан изоҳланади ва фақат охирларида, бурилиш жойларида, иншоотларга яқин жойларда чизилади;

б) суратларда аниқ ифодаланмаган контурлар ва чизиқли объектлар бутун узунлиги бўйича чизиб чиқилади. . Контурларни чизишда кўп меҳнат талаб қиладиган нуқтали пунктирлар ўрнига сариқ рангдаги узлуксиз чизиқлар қўлланилади; алоқа ва электр узатиш линиялари чизиб чиқилади, лекин шартли белгилар уларнинг охирларида ҳамда бурилиш жойларида қўйилади; жарликларнинг “тишлари” сийрак тарзда чизиб чиқилади;

в) контурларни шартли белгилар билан тўлдириб чиқиш ўрнига “қум”, “буталар”, “майсазор” ва ҳ.к. каби тушунтириш устхатлари берилади.

**8.12.** Жойнинг хусусиятлари етарли даражада маълум бўлмаган ва картографик аҳамиятдаги зарур материаллар олинмаган айрим ҳолларда, дастлаб маршрутлар бўйича дала дешифровкалаши ва унинг асосида кейинги камерал дешифровкалаш ўтказилиши мумкин. Дастлаб янгиланадиган картани янги суратлар билан солиштириш ва ўзгарган, жойга чиқишни талаб қилувчи участкаларни аниқлаш керак.

## **9. ДАЛА ТЕКШИРУВИ**

**9.1.** Дала текшируви қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

а) суратларга камерал ишлов беришда ишончсиз дешифровкаланган тафсилотларнинг тўғрилигига аниқлик киритиш;

б) суратларда ўз аксини топмаган ёки аэрофотокосмосъёмка ишлари бажарилгандан кейин пайдо бўлган объектларни тўла съёмка қилиш;

в) жойдаги объектларнинг тавсифлари ва номларини текшириш ҳамда тўлдириш.

Шу билан бирга камерал дешифровкалаш натижаларини танлаб текшириш, планда тафсилотлар тўлиқлигини ва аниқлигини текшириш, топографик таърифлаш учун маълумотлар тўплаш, давлат геодезик тармоғи пунктларининг ҳолатини текшириш ишлари бажарилади.

**9.2.** Дала текшируви учун қуйидаги материаллар тақдим этилади:

а) янгиланадиган карта ёки планнинг камерал дешифровкалашда тузатилган асл нусхалари;

б) янгиланадиган карта ёки план листларининг формулярлари;

в) рамкалар бўйича сводкалардан кўчирмалар;

г) дала текшируви маршрутлари лойиҳаси;

д) суратларни камерал дешифровкалаш ва карта ёки планни тузатиш жараёнида текширилиши, аниқлик киритилиши ёхуд тўла съёмка қилиниши лозим бўлган объектлар белгиланган шаффоф пластик ёки калькадаги листлар (тушунтириш хати билан);

е) геодезик пунктлар координаталари ва нивелирлаш реперлари баландликлари каталоглари;

ж) суратлар комплекти.

**9.3.** Дала текшируви лойиҳаси янгиланадиган планнинг камерал тузатилиши яқунлангач, топограф томонидан (партия бошлиғи ва муҳаррир раҳбарлиги остида) тузилади ҳамда қидирув ташкилоти раҳбарияти томонидан тадиқланади.

**9.4.** Лойиҳа карта ёки план асл нусхасининг янгиланадиган нусхаси устига қўйиладиган калькада тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

а) давлат геодезик тармоғи пунктлари ва нивелирлаш реперлари;

б) текширилиши, аниқлик киритилиши ёки батамом съёмка қилиниши лозим бўлган объектлар ва контурлар;

в) тавсифлари ва номларига аниқлик киритилиши ёки уларнинг аниқланиши лозим бўлган объектлар;

г) текширув маршрутлари;

д) янги объектларни қўшимча съёмка қилиш ва картанинг аниқлигини текшириш учун съёмка асосини ривожлантириш лойиҳасининг схемаси.

**9.5.** Текширув учун маршрутларнинг барча ноаниқ жойларни текшириб чиқиш ва керакли қўшимча съёмка қилиш ишларини бажариш, аҳоли пунктлари, асосий йўллар ва улардаги иншоотлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, энг муҳим янги объектлар тасвирларининг тўғрилигини ҳамда тўлиқлигини текшириш имкониятини берувчи минимал сони мўлжалланади.

Шаҳарлар, шаҳар типидagi посёлкалар ва туман марказларидаги жой ўзгаришлари ҳамда турли объектларнинг тавсифлари тўғрисида қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган бошқарув органларига албатта ташриф буюриш назарда тутилади.

**9.6.** Текшириладиган топографик объектларни шартли равишда учта асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) аэросуратлардаги тасвирлари уларнинг мазмунини очиш имкониятини бермайдиган, ўзгарган ва янгидан пайдо бўлган контурлар ҳамда жой предметлари;

б) аэрофотосъёмкадан кейин пайдо бўлган, тўла съёмка қилиниши лозим бўлган янги объектлар;

в) суратлар бўйича белгилашнинг иложи бўлмаган миқдор ва сифат тавсифлари жойда аниқланиши зарур бўлган объектлар.

**9.7.** Биринчи гуруҳ объектлари аҳоли пунктларида кўпроқ учрайди. Бу ерда тушунтириш устхатлари билан изоҳланиши лозим бўлган иморатларни ажратиш; турар жой ва нотурар жой иморатларни, уларнинг ёнғинга чидамлилигини акс эттириш, уларнинг ёки яшовчиларнинг сони тўғрисидаги маълумотларни тўплаш зарур.

**9.8.** Иккинчи гуруҳ объектлари жумласига электр узатиш ҳамда алоқа линиялари (симёғочларга ўрнатилганлари), йўл белгилари, трубопроводлар, кабеллар, майда кўприклар, кечувлар, қудуқлар ва ҳ.к.лар киради, суратларни дешифровкалашда уларни чизиб кўрсатиш мумкин, лекин вазифасини тўлиқ

аниқлаш ҳамда бутун узунлиги бўйича аниқ чизиб кўрсатиш фақат жойда белгиланиши мумкин.

**9.9.** Учинчи гуруҳ объектлари жумласига зарурий миқдор ва сифат тавсифлари жойда аниқланадиган объектлар киради.

**9.10.** Дала текшируви кўзда тутилган маршрутлар бўйича бажарилади. Шаффоф пластик ёки калькада белгиланган участкалар янгиланадиган карта ёки план ва суратлар жой билан синчиклаб солиштирилади ҳамда зарурий аниқликлар киритилади, тузатишлар ва қўшимчалар қилинади. Аҳоли пунктларини текширишга алоҳида эътибор берилади, чунки уларда суратлар бўйича дешифровкалаш қийин бўлган объектлар учрайди.

Барча ўзгаришлар суратга киритилади, ундан бу ўзгаришлар янгиланадиган карта ёки планга ўтказилади.

Суратларда ўз аксини топмаган янги объектларни аниқлашга ва тўла съёмка қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

**9.11.** Суратларда ўз аксини топмаган ёки аэрофотокосмосъёмкадан кейин вужудга келган объектларни қўшимча съёмка қилиш инструментал равишда, электрон тахеометрлар, GPS-приёмниклар, мензулавий ёки тахеометрик съёмкалар воситасида геодезик съёмка асоси нуқталаридан тўғри, тескари ёки комбинацияланган кестирмалар усулида амалга оширилади.

Янги тафсилотларнинг ҳолатини кутбий усулда контур бўйлаб ёки учта энг яқин контур нуқталаридан кестирма усулида ўлчаб аниқлашга рухсат берилади.

**9.12.** Агар янгиланадиган карта ёки планнинг сифатини таҳлил қилишда уларнинг аниқлиги тўғрисида етарли маълумотлар олинмаган бўлса, аниқликни текшириш дала текширувида амалга оширилади. Тешириш асбоб-ускуна ёрдамида, кам ишончли жойларда, асосан картанинг марказий қисмида бажарилади. Жой объектлари ва контурларининг пландаги ҳолати, планда чизилган горизонталлар ва нуқталарнинг баландликлари текширилиши лозим.

Съёмка асоси нуқталарининг пландаги ҳолатини аниқлашнинг ўртача хатоликлари план ёки карта масштабида 0,1 мм дан, баландлик бўйича эса – рельеф кесими баландлигининг 1/3 қисмидан ошмаслиги керак.

Пландаги аниқ контурларнинг планли ҳолати ва уларнинг назорат аниқлангани орасидаги ўртача фарқлар 0,5 мм дан, (хатолик чеки – 1,0 мм) ошмаслиги керак. Картада ёзилган нуқталар баландлик белгиларини ўртача фарқлари 0,67 м дан, горизонталлар учун рельеф кесими баландлигидан – 0,8 м дан ошмаслиги керак.

Планнинг аниқлигини текшириш натижалари назорат нуқталарнинг сонини, текшириш усулини, планли ҳолатидаги ва баландлик бўйича фарқларини кўрсатган ҳолда формулярга ёзиб қўйилади.

**9.13.** Янгиланадиган карта съёмка қилингандан кейин қурилган, ёки суратларда билинмай қолиб координаталари бўйича текширилган триангуляция ҳамда полигонометрия пунктларида уларнинг атрофдаги тафсилотларга нисбатан ўзаро ҳолати текширилади.

Мувофиқлик бўлмаган тақдирда, контурларни планда тегишли равишда силжитиш амалга оширилади.

Янги нивелир йўлларида план горизонталларини репер белгилари билан мувофиқлаштириш амалга оширилади, уларнинг ҳолати янгиланадиган план ёки картага киритилади.

**9.14.** Жойда геодезик асос пунктларини қидириш карта ёки план бўйича ва нивелир белгилари ҳолатининг таърифи бўйича ускунавий усулларни қўлламаздан амалга оширилади.

Пунктларни текширишда ташқи белгиларнинг, юқорида жойлашган марказнинг, ориентир пунктлари ва окопканинг сақланганлиги аниқланади; ташқи белгининг инструментал кузатувлар учун яроқлилиги аниқланади.

Агар пунктлар ва реперлар ўрнида қандайдир иншоот қурилган, котлован қазилган, реперлар бузилган, деформацияланган бўлса ёки улар жойлашган ер ҳайдалган ва ҳ.к. бўлса, улар йўқотилган ҳисобланади. Геодезик тармоқ пунктларини текшириш натижалари план ёки карта варағи формулярига ёзиб қўйилади.

**9.15.** Дала текширувида олинган қўшимчалар ва аниқлашларни чизиб чиқиш ҳамда асл нусхани расмийлаштириш 12.2- банд ва [2], [7], [9], [10] талабларига мувофиқ амалга оширилади.

## **10. РАҚАМЛИ ТОПОГРАФИК КАРТАЛАР ВА ПЛАНЛАРНИ ТУЗАТИШ**

**10.1.** Тайёрланган рақамли фотоплан асосида рақамли топографик карта (РТК) ёки рақамли топографик план (РТП) олиш учун растрли фототасвир (ортофототасвир) устига янгиланадиган топографик карта ёхуд планнинг векторли рақамли ахбороти иморатлар ва кварталлар, горизонталлар, гидрография, йўл тармоғи ва ҳ.к. каби қатламлар бўйича қўйиб чиқилади.

**10.2.** Рақамли фотопланни дешифровкалашда аниқланган тавсилот ва контурлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот (8.6 банди) янгиланадиган РТК ёки РТПга зикр этилган ахборотга рақамли картографик ахборот классификаторидан, шунингдек 4- ва 5-бобларда [13] баён этилган картографик ахборотни рақамли тавсифлаш қоидаларидан фойдаланиб, автоматлаштирилган ишлов бериш йўли билан киритилади.

Бунда гидрография ва рельеф тасвири билан мувофиқлаштириш амалга оширилади. Рельефи текис ҳудудларда бу мувофиқлаштириш горизонталларни ўрнидан бир оз силжитиш билан амалга оширилади.

**10.3.** Дешифровкалаш натижалари тўғрисидаги ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш контурлар ва жой объектларини фотопланлар ҳамда якка суратлар бўйича векторизациялаш имкониятини берувчи сертификатланган дастурий маҳсулотларни қўллаб бажарилади.

**10.4.** РТК ёки РТПни тоғли ҳудудларда жойлашган участкаларга тегишли рақамли суратлар бўйича тузатиш жойнинг рақамли моделини

рақамли ва аналитик асбоб-ускуналарда тегишли дастурий маҳсулотларни қўллаган ҳолда тузиш услуги билан амалга оширилади (иловалар А ва С).

**10.5.** Янгиланган РТК ёки РТПларни текшириш ва қабул қилиб олиш 7-боб [16] талабларига мувофиқ амалга оширилади.

## **11. ГРАФИК ШАКЛДАГИ ТОПОГРАФИК КАРТА ВА ПЛАНЛАРНИ ТУЗАТИШ**

**11.1.** Янгилаш учун мўлжалланган планларнинг нусхалари шаффоф пластикда нашр асл нусхаларидан тайёрланади.

План нусхасини тузатиш учун, дастлаб суратларни трансформациялаш амалга оширилади.

План асл нусхасининг шаффоф асосдаги нусхасини тузатиш 4.3-бандда кўрсатилган усуллар билан амалга оширилади.

